*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 2 июнь, пайшанба
22 (394)-сон,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com



O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ КОНЦЕПЦИЯДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА, ЯЪНИ ПАРЛАМЕНТНИНГ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛДИ

03 КОНЦЕПЦИЯ



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 20 ЙИЛ АВВАЛГИ МАМЛАКАТДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНИ МЕН КАБИ МИНГЛАБ ЮРТДОШЛАРИМНИНГ МУЛКДОР БЎЛИШЛАРИГА ЗАМИН ЯРАТГАН ЭДИ...

05 ФЕРМЕРЛИК



ИҚЛИМ ИСИШИ ТАЪСИРИДА КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛ ОРАСИДА ТАХМИНАН 1,5 МИНГТА КАТТАЮ-КИЧИК МУЗЛИКЛАР БАТАМОМ ЙЎҚ БЎЛИБ КЕТИШИ МУМКИН

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

# Оқсаройда қабул

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 1 ИЮНЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ (ЕХҲТ) АМАЛДАГИ РАИСИ, ЛИТВА РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ АУДРОНЮС АЖУБАЛИСНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, унинг мамлакатимизда нафақат ЕХҲТнинг амалдаги раиси, балки Ўзбекистон билан азалдан турли соҳаларда яхши ҳамкорлик қилиб келаётган Литва ташқи сиёсат маҳкамасининг раҳбари сифатида ҳам қабул қилинишини таъкидлади.

Учрашувда ЕХҲТ олдида турган вазифалар, Литванинг ушбу тузилмадаги раҳбарлиги, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президентининг 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳақидаги маърузаси давлатимизнинг демократик тараққиёт йўлидан оғишмай бориш борасидаги интилишларидан далолат экани қайд этилди.

Аудронюс Ажубалис Ўзбекистон Конституцияси ва миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар сиёсий партияларнинг аҳамиятини оширишга хизмат қилишини ва бу йўналишдаги муҳим қадам эканини таъкидлади.

Томонлар минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Меҳмон Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклашга қўшаётган ҳиссасига юксак баҳо берди.

Учрашувда ЕХҲТни тубдан ислоҳ қилиш ва ушбу ташкилот доирасида давлатларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш нуқтаи назаридан томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон-Литва муносабатлари ҳақида сўз кетганда, томонлар олий даражадаги сиёсий мулоқотларни давом эттириш, парламентлараро муносабатларни ривожлантириш, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиш ва алоқаларни кенгайтириш тарафдори эканини таъкидлаш жоиз. Учрашувда савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик, жумладан, Ўзбекистонда Литва компаниялари иштирокида юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш учун салмоқли захиралар мавжудлиги таъкидланди.

(ЎзА)



# Парламент эшитуви

**O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИДА ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИДА ФОЙДАЛАНИЛМАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУДЛИГИГА ҚАРАМАЙ, ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ИНДУСТРИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ЕТАРЛИ ЭМАСЛИГИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ**

O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг таъкидлашларича, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепция»си мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаб берди. Айни пайтда мазкур ислоҳотлар муваффақияти мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш масалаларида жуда муҳим вазифа — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият томонидан бажарилиши устидан қатъий парламент назорати ўрнатилиши билан чамбарчас боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бир сўз билан айтганда, парламентнинг том маънода демократик янгиланишлар, либерал ислоҳотлар тарғиботчисига ва давлат тузилмалари раҳбарларининг уларга ишониб топширилган тармоқларда қонун ҳужжатларининг ижро этиш бўйича ҳисоботларини эшитиб бориш парламент фаолиятининг кундалик ишига айланиши даркор.

Ўз навбатида, парламент назоратининг парламент сўрови, парламентда ҳисоботни эшитиш ва қонунда кўзда тутилган бошқа замонавий шаклларидан кенг фойдаланиш демократик жараёнларни янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан ҳам ўтказилган парламент эшитуви O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг ана шундай талаблар асосида изчил ишлар олиб бораётганидан далолатдир.

2 ►►

# Хусусий мулк — дахлсиз, мулк ҳуқуқи — муддатсиз

**МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, КЕЙИНГИ УЧ ЙИЛ МОБАЙНИДА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАР ТОМОНИДАН ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ БУЗИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ 26 МИНГДАН ОРТИҚ ДАЪВОЛАРНИНГ 66 ФОИЗИ, ЯЪНИ 17 МИНГ 414 ТАСИ ТАДБИРКОРЛАР ФОЙДАСИГА ҲАЛ ЭТИЛДИ**



Хўжалик судлари томонидан эса ана шу давр оралиқида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилишига оид 37 мингдан зиёд даъволар кўриб чиқилган, уларнинг қарийб 80 фоизи ёки 29772 таси тадбиркорлар фойдасига ҳал этилган.

O`zLiDeP фракцияси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар, тадбиркор ва фермерлар қатнашган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлаш» мавзуидаги семинарда ушбу рақамлар алоҳида тилга олинди.

— Ҳозирги кунда бозор иқтисодиётининг таянч нуқтаси бўлган хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлайдиган базавий қонунларга кучли эҳтиёж сезилмоқда, — деди қўмита раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Бахтиёр Иминов. — Шу боис давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш, мулкдорларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги семинардан кўзда тутилган мақсад ҳам мутахассислар иштирокида «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг концептуал асосларини кўриб чиқиш ва муҳокама қилишдан иборатдир.

2 ►►




1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

# *Ўзбекона меҳр ва эътибор*

**«ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ВА АЛБАТТА, БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ».**

**ЮРТБОШИМИЗНИНГ УШБУ ФИКРИ БУГУН АМАЛДА ЎЗ ТАСДИҒИНИ ТОПИБ, ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ТУБ МОҲИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА**

Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган изчил ислоҳотлар натижасида бугун янги авлод вакиллари жаҳон миқёсида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботламоқдалар. Табиийки, бу жараён эртамиз эгаларига яратилган имкониятлар ва шарт-шароитлар билан узвий боғлиқдир.

Бу борада, энг аввало, болалар ва ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама баркамол вояга етишларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўтган йиллар давомида қабул қилинган бевосита болалар ҳуқуқларига оид 600 дан ортиқ қонун ҳужжатлари давр талабларидан келиб чиқиб, тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди. Бир қатор қонунлар қабул қилиниб, амалдагиларига эса ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.



2 ►►

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 31 МАЙДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,** статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ↑ 1822,26 | 1 АҚШ доллари | ↑ 1704,00 | 1 Хитой юани | ↑ 262,82 | 1 Туркия лираси | ↓ 1062,08 | 1 Япония иенаси | ↑ 210,92 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ↑ 2807,34 | 1 Миср фунти | ↑ 286,60 | 1 Малайзия ринггити | ↑ 565,17 | 1 Швейцария франки | ↑ 2002,11 | 1 Россия рубли | ↓ 60,60 |
| 1 Дания кронаси | ↑ 326,52 | 1 Исландия кронаси | ↑ 14,81 | 1 Польша злотийси | ↑ 613,88 | 1 ЕВРО | ↓ 2404,38 | 1 Украина гривнаси | ↑ 213,53 |
| 1 БАА дирҳами | ↑ 463,94 | 1 Канада доллари | ↑ 1744,65 | 1 СДР | ↑ 2714,44 | 1 Жанубий Корея вони | ↑ 15,77 | | |

# Фракция сайловчилар билан учрашувлардан тегишли хулосалар чиқарди

**ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТГА ОЛИНМАСА, ДЕМОКРАТИК АСОСДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР ҲАМ ЖАМИЯТГА НАФ КЕЛТИРМАСЛИГИ МУМКИН. ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИДА АНА ШУ ТАЛАБГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ**

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати, энг аввало, демократик институтлар учун қулай шарт-шароит яратиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, одамларнинг ижтимоий-сиёсий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик субъектларининг эркинлиги учун зарур имкониятлар яратиб бериш борасидаги ислоҳотларда ўз аксини топади. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ана шу мезонга қатъий амал қилинди. Хусусан, ўз вақтида икки палатали парламент тизимига ўтишдан мақсад ҳам парламент ваколатларини амалга ошириш жараёнида манфаатлар мувозанатини, қабул қилинаётган қонунлар сифатини тубдан яхшилаш ва улар ижросини тўлиқ таъминлашга қаратилган.

Айнан ана шу вазифаларнинг самарали амалга оширилиши эса қуйи палата депутатлари ўз ваколатларидан тўлақонли фойдаланишини тақозо этади.

Бу борадаги муҳим вазифалардан бири, шубҳасиз, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари аъзоларининг ўз сайлов округидаги фаолиятини тизимли ташкил этиш билан боғлиқ. Қабул қилинаётган қонунларнинг жойларда қандай ишлаётгани, хўжалик юритиш амалиёти айни пайтда қандай қонунларга эҳтиёж сезаётгани, сайловчилар қандай ҳаётий муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш юзасидан қай тартибда чоралар кўриш зарuратини аниқлаш долзарб вазифалардандир. Айни пайтда парламент қуйи палатасидаги фракцияларнинг аъзолари ушбу масалада илгариги ёндашувлардан фарқли равишда сайловчилар билан учрашувлар масаласига муҳим сиёсий тадбир сифатида қараб, партияларнинг Сайловолди дастурларида илгари сурилган устувор масалалар юзасидан қабул қилинган қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш ва шу асосда тегишли хулосалар чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар.

O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг навбатдаги учрашувларида ҳам юқоридаги талаблар бош мезон сифатида белгилаб олинди. Агар илгари депутатнинг сайлов округидаги фаолияти турли шикоят ва маиший мавзудаги масалалар билан чекланган бўлса, бу гал амалдаги қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилиши, қонунларнинг жойлардаги ижросида йўл қўйилаётган камчиликларни келтириб чиқарган сабабларга асосий эътибор қаратилди. Бундай ёндашув ўз-ўзидан қатъий депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини кучайтиришга хизмат қилаётгани сайловчилар томонидан бежиз таъкидланмаяпти.

O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг навбатдаги учрашувлари Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифаларга, яъни парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилгани билан ниҳоятда муҳим сиёсий тадбирга айланди. Хусусан, тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантиришга қаратилган қонунчиликнинг жойлардаги ижроси, тадбиркорлар, фермерлар фаолиятининг янада тараққий топишига халақит бераётган ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этишда ушбу учрашувлар муҳим ўрин тутди.

Дастлабки таҳлилларга кўра, фракция аъзолари жами 510 дан зиёд учрашув ўтказган бўлса, уларда 30 мингга яқин сайловчи иштирок этган. Депутатлар билан сайловчилар ўртасидаги юзма-юз мулоқотлар одамларнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати ўзгариб, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти тобора ошиб бораётганини кўрсатди. Буни, айниқса, ёшлар томонидан Президент Концепциясида илгари сурилган, мамлакатимизнинг эртанги қиёфасини белгилаб берувчи ғоялар билан боғлиқ устувор йўналишларни амалга ошириш борасида депутатлик корпуси, қолаверса, ижро ҳокимияти томонидан амалга оширилаётган ишларга қизиқишлари, айрим ҳудудларда маҳаллий ҳокимият органларининг бу йўналишдаги фаолиятига танқидий муносабат ҳам аҳолида юрт эртаси учун дахлдорлик ҳисси ошиб бораётганига яна бир далил бўлди.

Кези келганида фракция аъзоларининг учрашувларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлган қонун ҳужжатлари ижроси ва бу борада ечимини кутаётган масалалар муҳокамасига жиддий эътибор қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Учкўприк туманидаги учрашувда тадбиркорлик фаолиятини тараққий эттиришга йўналтирилган янги қонун лойиҳалари, банк ва солиқ тизимида яратилаётган имтиёзлар ҳақида сўз борди, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Қобилжон Тошматов.

Унинг фикрича, учрашувларда тараққиётимизнинг янги босқичини қамраб олган Концепциянинг устувор йўналишлари ижроси нафақат парламент, балки жойлардаги маҳаллий кенгаш депутатлари масъулиятини ҳам ошириши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиши хусусида мушоҳада юритилган. Мамлакат аҳолисининг қарийб 75 фоизи хусусий секторда банд экани ҳам бу фикрни исботламоқда. O`zLiDeP эса айни пайтда ўз эътиборини айнан ўрта синф манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратишга қаратмоқда.

— Бу сафарги учрашувларда ариза ва мурожаатлар билан ишлаш тартибига ўзгартишлар киритилгани, яъни фракция аъзоларининг фуқаролар учун қабул кунлари ташкил этиш институтидан унумли фойдаланилгани ҳам яхши самара берди, — дейди O"zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуқодир Тошқулов. — Бу усул мурожаатларга амалий жавоб қайтариш сифатини ҳам тубдан яхшилади.

Шу ўринда партиямиз депутати сайланган 70-Термиз сайлов округи фуқароларидан тушган 37 та мурожаатнинг 19 таси жойида ҳал этилгани, 18 таси эса депутат сўрови тарзида турли идораларга юборилганини таъкидлаш жоиз.

Маълумки, партиянинг Сайловолди дастурида тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминловчи ҳуқуқий кафолатларга нафақат қонунчиликда, балки амалиётда ҳам қатъий риоя қилиниши керак, деган ғоя алоҳида ўрин эгаллаган. Аммо сайловчилар билан ўтказилган учрашувларда ҳалиҳануз айрим ҳудудларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ёки маъмурий ресурсларни қўллаш орқали улар фаолиятига тўсиқ бўлишга уриниш ҳолатлари учраётгани маълум бўлди.

Сайловчилар билан учрашувларда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда ҳам айрим муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Жумладан, Қумқўрғон туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи М.Ирдонаев «Соҳибкор» фермер хўжалиги раҳбари Н.Холбоева номидан ушбу фермер хўжалигини тугатиш тўғрисидаги сохта ҳужжатлар тайёрлаб, унинг ноқонуний тугатилишига сабаб бўлган. Избоскан туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқиш комиссияси эса «Ғуломжон орзулари» фермер хўжалиги раҳбарининг розилигисиз, демакки, ноқонуний тарзда бошоқли дон экилган 1000 квадрат-метр ер майдонини Ж.Ҳожиакбаровга ажратиб берган. Энг ачинарлиси, бундай ҳолатларнинг қишлоқда шаклланаётган мулкдорлар қатлами — фермерлик ҳаракатига ўз таъсирини кўрсатаётганлигидир.

Жойлардаги баъзи мутасаддиларнинг бундай хатти-ҳаракатлари уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 апрелдаги «Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг мазмун-моҳиятидан етарлича хабардорликларига шубҳа уйғотмасдан қолмайди.

Айни пайтда O`zLiDeP фракцияси депутатларининг учрашувларида аниқланган маълумотлар умумлаштирилиб, ушбу хулосалар асосида ишлаб чиқилган тавсияларни фракциянинг навбатдаги йиғилишларида муҳокама қилишга келишиб олинди. Лекин дастлабки таҳлиллар асосида ҳозирданоқ фракция қатор йўналишлар бўйича ўз фаолиятини янада такомиллаштириши лозимлиги аён бўлиб қолди.

Хусусан, учрашувларда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида фракция аъзолари бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни таъминлашга қаратилган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини имкон қадар тезроқ ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур, деб ҳисобламоқдалар. Фракция аъзолари Президентимиз Концепциясида ана шу қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши бежиз кўзда тутилмаганини, ушбу қонун мулк эгаларининг ҳар қандай кўринишдаги мулкий ҳуқуқларининг Конституция билан таъминланган дахлсизлигини таъминловчи ғоятда муҳим ҳуқуқий механизмини яратиб бериши кераклигига эътибор қаратаяптилар.

Иккинчидан, фракция қуйи палатанинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида», «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек, фермерликни қўллаб-қувватлашга қаратилган Президент фармонлари ижросини ҳудудлар кесимида ўрганиш, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда эса ҳудудларда ушбу йўналишдаги кичик бизнес субъектларининг фаолиятини самарали ташкил этиш даражасини тизимли равишда ўрганиш орқали мавжуд қонунчиликнинг тегишли идоралар томонидан ижросини таҳлил қилишни режалаштирмоқда.

Учинчидан, сайловчилар билан учрашувларда жамланган маълумотлар ижро ҳокимияти устидан самарали парламент назорати, қолаверса, кенг жамоатчилик назоратини таъминлаш, бунинг учун зарур бўлган ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш долзарб масалага айланганини яққол кўрсатди. Шунинг учун ҳам «Парламент назорати тўғрисида», "Жамоат назорати тўғрисида"ги қонунларни ишлаб чиқиш орқали самарали назорат механизмини яратиш фракция аъзолари зиммасидаги муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди. Зеро, бугунги кун талабига жавоб берадиган тизимли ишларни самарали ташкил этиш зарурати айнан шу йўналишдаги ишларни тубдан яхшилаш лозимлигини кўрсатмоқда. Тилга олинган қонунларнинг қабул қилиниши эса, шубҳасиз, қатъий депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини янада кучайтиришга хизмат қилади.

**O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ БУ ГАЛГИ УЧРАШУВЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА, ЯЪНИ ПАРЛАМЕНТНИНГ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАНИ БИЛАН НИҲОЯТДА МУҲИМ СИЁСИЙ ТАДБИРГА АЙЛАНГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ. ХУСУСАН, ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ИЖРОСИ, ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ТОПИШИГА ХАЛАҚИТ БЕРАЁТГАН ҲОЛАТЛАРНИ АНИҚЛАШ, УЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ БОРАСИДА УШБУ УЧРАШУВЛАР МУҲИМ ЎРИН ТУТДИ.**

# Акциядорлар ҳуқуқи мустаҳкамланади

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ "МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ"ДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎНЛАБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ҚАТОРИ "АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУННИ ЯНГИ ТАҲРИРДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЛОЗИМЛИГИ ҲАМ ТАЪКИДЛАНГАН ЭДИ**



**Кувондиқ ҲАМЗАЕВ,**
Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Ҳақиқатан ҳам, мазкур қонунни бугунги кун талабларини инобатга олган ҳолда янги нормалар билан тўлдиришни ўзгариб бораётган шароитлар тақозо этмоқда.

O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, акциядорлик компанияларининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, энг аввало, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини мукаммалаштиришга хизмат қилади. Зеро, акциядорлик жамиятига маблағ киритган ҳар қандай сармоядорлар унинг юқори молиявий самарадорликка эришилишидан манфаатдордир. Шунинг учун ҳам, айни кунда фракциямиз аъзолари ушбу қонунни такомиллаштириш борасида жиддий изланишлар олиб бориб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларига мос келувчи амалий таклифларни тайёрламоқдалар.

Соҳада бу борада тўпланган амалий кўникма, шунингдек, хорижий мамлакатлар тажрибасига таяниш мақсадга мувофиқ, албатта. Аксарият хорижий давлатлар қонунчилигида мулкчилик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш, акциядорларга ўз вақтида ва мунтазам ахборот бериш орқали жамият фаолиятининг очиқлигини таъминлашга оид алоҳида нормалар шулар жумласидандир.

Корпоратив бошқарувнинг акциядорларга бир хил муносабатни таъминлай оладиган, улар ҳуқуқини самарали ҳимоя қилиш имконини берадиган тузилмасини йўлга қўйиш жаҳон қонунчилик амалиётида кенг қўлланилади.

Республикамизда ҳам акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аммо бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятларида бошқарув ва назорат органларининг мақоми, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини пухта регламентлаш орқали акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш ҳамда корпоратив муносабатларнинг барча иштирокчилари манфаатлари мувозанатига риоя этиш тақозо этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, корпоратив бошқарув соҳасидаги қонунчиликнинг янада такомиллаштирилаётгани, шубҳасиз. Акциядорлик жамиятларининг барча иштирокчилари ҳуқуқлари, ваколатлари, масъулияти ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, бошқарув аппарати фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш имконини ҳам янада кенгайтиришга хизмат қилади.

# Партия электорати манфаати бирламчи

**ЯНГИ ТАҲРИРДА ИШЛАБ ЧИҚИЛАЁТГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДА ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҚОШИДА МАХСУС ҚЎМИТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТАКЛИФИ ИЛГАРИ СУРИЛАЁТГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ**



**Ғулом ОМОНҚУЛОВ,**
Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Мазкур қўмита вакиллари миноритар акциядорлар томонидан сайланади ва акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисоб беради. Қўмитага миноритар акциядорлар мурожаатларини кўриб чиқиш, улар манфаатига зид бўлган битимлар бўйича хулосалар тайёрлаш масалаларини киритиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, қонун лойиҳада акциядорлар ва инвесторларга ахборот бериш тартиби ва муддатини аниқ белгилаш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда маълумотлар олиш имкониятини кенгайтириш ва уларнинг ишончлилиги учун жамият ижроия органи жавобгарлигини кучайтириш таклифи ҳам илгари сурилмоқда. Бу O`zLiDeP электорати бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг янада эркин фаолият юритишларини таъминлашга хизмат қилади, албатта.

Шу ўринда амалдаги қонунчиликда корпоратив бошқарув томонидан чоралар ва қарорлар қабул қилиниши билан боғлиқ ҳолатларга, унда умумий йиғилиш чақириш ва акциядорларни хабардор қилиш тартибини аниқ белгилаш, кузатув кенгаши аъзоларининг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ ҳолатларга аниқлик киритиш талаб этилмоқда.

Хусусан, қонунда ижроия органига номзодлар киритиш, коллегиал ижро органи аъзоларининг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятларига етарли даражада, "Ижроия органи", "бошқарув" ва "дирекция" тушунчаларига эса ҳеч қандай таъриф берилмаганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, акциядорлик жамиятларида корпоратив ҳаракатлар амалга оширилишида миноритар акциядорлар учун кафолатлар яратиш борасида ҳам камчиликлар бор. Жумладан, дивидендлар миқдорини белгилаш ҳамда уларни ўз вақтида тўлаш учун жавобгарликни кучайтириш лозим. Бундан ташқари, устав фондини оширишда ҳаракатлар кетма-кетлигини, акцияларни жойлаштириш ва уларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқни қўллаш механизмини тартибга солиш ҳамда акциядор ва кредиторлар манфаати тенг ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида жамиятларни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибига аниқлик киритиш тўғрисида ҳам таклифлар билдирилаяпти.

## Энг муҳими биринчи қадам

**O`ZLIDEP НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» РАҲБАРИ НАЗИРАХОН РАҲИМЖОНОВА «XXI ASR» МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ**



**Комилжон ФАЙЗИЕВ,**
суҳбатлашди

— Бугун барча ҳудудларда бўлганидек, Наманганда ҳам аёллар ташаббускорлигини оширишга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис фаолиятимизни изчил жонлантириш имконияти кенгаймоқда. Бунда биз, энг аввало, O`zLiDeP дастури ва партиянинг сайловолди платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Масалан, жорий йилнинг биринчи choрагида «Ҳунарманд» уюшмаси билан бирга Наманган туманидаги «Маҳаллаҳовуз» маҳалласида «Тадбиркорликка кенг йўл», Янгиқўрғон туман Хотин-қизлар қўмитаси билан эса «Аёллар ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш», Чуст туманидаги «Қалб меҳри» марказида «Тадбиркор аёл — жамият таянчи» мавзуларида туркум давра суҳбатлари ўтказдик.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорлик ҳам яхши самара бераяпти. Хусусан, Тўрақўрғон туманидаги «Оқтош» МФЙда ўтказилган «Соғлом она — соғлом бола» тадбирида маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, касб-ҳунар коллежларининг битирувчи қизлари иштирок этдилар.

Умуман олганда, «Маҳалла» жамғармаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, «Қизил ярим ой» жамияти, «Камолот» ЁИҲ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Оила» маркази сингари нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик фаолиятимизда яхши самара бераяпти.

**— «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида ҳам хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш юзасидан бир қатор вазифалар белгиланган. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бу йилги фаолиятимизни Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишдан бошладик. Жумладан, Чуст туманидаги педагогика коллежида партия аъзолари, фаоллар, фермерлар ва уй бекалари иштирокида ўтказилган очиқ мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Равшанжон Асқаров қатнашиб, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилувчи қонунлар ҳақида атрофлича тушунчалар берди.

Наманган шаҳрининг "Тўқувчи", "Навбаҳор" маҳаллаларида, Уйчи туманининг "Машад" қишлоғида, Учқўрғон туман иқтисодиёт коллежида ўтказилган давра суҳбатларида эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаровонлик омили эканига алоҳида эътибор қаратдик.

**— «Аёллар қаноти» опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлашда қандай омиллардан фойдаланмоқда?**

— Қўллаб-қувватлаш масаласини ҳар ким турлича тушуниши мумкин. Биз кўпроқ янги қонунларни тарғиб этиш, амалдагиларидан қандай фойдаланиш масалаларини қанча кўп тадбиркорларга етказсак, шуни партиянинг ёрдами, деб ҳисоблаяпмиз. Чунки ўз ҳуқуқини билмаган киши, айниқса, мулкдор кўп қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Тадбиркорликка энди қадам қўяётган опа-сингилларимизга эса банк-молия тизими билан ишлаш кўникмалари ўргатилаяпти. Биласиз, наманганлик аёллар азалдан чеварлиги, пазандалиги ва ишбилармонлиги билан ном қозонганлар. Биз ана шу анъаналарни янада бойитишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Бугун шаҳар ва туманларда ташкил этилган ўнлаб ўқув марказларида қизларга тикувчилик, каштачилик ва пазандачилик сирлари ўргатилмоқда. Орамизда шундай аёллар борки, уларни бутун мамлакатда ҳам яхши биладилар. Жумладан, Тўрақўрғондаги "Дилрабо-С" кўп тармоқли хусусий корхонасида 150 та янги иш ўрни яратган Маъсудахон Содиқова, 70 нафар ишчи-хизматчига бошчилик қилаётган "Аҳмадбек-С" МЧЖ раҳбари Муқаддасхон Имомовани энг фаол тадбиркорларимиз, дейиш мумкин.

Ана шундай тажрибали, энг муҳими, элга танилган тадбиркорлар иштирокида ўтказилаётган барча учрашув ва мулоқотларда ҳам биринчи навбатда мавжуд муаммоларни эшитиб, жойлардаги партия ташкилотлари ҳамда депутатларимиз ёрдамида уларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилаяпмиз.

Масалан, жорий йилнинг ўтган тўрт ойида "Аёллар қаноти"га 40 нафардан зиёд хотин-қиз турли масалаларда мурожаат қилган бўлса, уларнинг қарийб 90 фоизини ижобий ҳал этдик. Хусусан, Чуст туманидан тикувчилик ўқув марказини очмоқчи бўлган Дилфуз Улуғбоевага 50 млн. сўм кредит олишда ёрдам бердик. Натижада у қисқа муддатда 15 та янги иш ўрни яратишга муваффақ бўлди.

**— Аёллар фаолиятини янада жонлантиришга оид қандай таклиф ва мулоҳазаларингиз бор?**

— Бугун тадбиркорликни бошлаш истагида юрган аёлларимиз жуда кўп. Лекин уларнинг аксарияти бошланғич сармоя масаласида қийинчиликларга учраяпти. Шунинг учун ҳам қимматбаҳо буюмлар, кўчмас мулкни баҳолаш механизмлари соддалаштирилиб, гаровга қўйиладиган буюмлар фуқаролар тасарруфида мавжуд бўлган мулклардан келиб чиқиб белгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Акс ҳолда, унча катта бўлмаган дастлабки сармояга эга бўлиш муаммоси ечим топмай қолаверади.

**БУ ЙИЛГИ ФАОЛИЯТИМИЗНИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДАН БОШЛАДИК.**

## O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

**ТОШКЕНТ.** «Сиёсий партиялар фаолиятида кадрлар тайёрлаш сифатини янада такомиллаштириш масалалари» — партия шаҳар кенгаши ва ФЖЎИ Тошкент шаҳар минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида ўтказилган ўқув-семинар ана шундай деб номланди. Таъкидлаб ўтилганидек, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепция мамлакатимизни модернизация қилиш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим дастурий ҳужжатдир.

Тадбирда сиёсий партиялар, жумладан, O`zLiDeP олдига қўйилаётган талаблардан келиб чиқилиб, улар фаолиятини янада такомиллаштириш, партиявий кадрлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Шунингдек, O`zLiDeP шаҳар кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан "Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари" лойиҳаси доирасида ўтказилган ўқув-семинарда тўпланганлар янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ намунавий лойиҳалар билан таништирилди. Тадбиркор, ҳунарманд ва касаначи аёллар тажрибасини оммалаштириш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Бизнес-режа тузиш, банклардан кредит олиш билан боғлиқ маълумотлар ҳам иштирокчилар учун фойдали бўлгани шубҳасиз. Бир гуруҳ фаол хотин-қизларга ушбу тадбирнинг республика босқичида иштирок этиш учун махсус йўлланма ва сертификатлар топширилди.

**АНДИЖОН.** O`zLiDeP вилоят кенгаши томонидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари учун ташкил этилган "Ишбилармон ўқувчи" кўрик-танловининг вилоят босқичида ёшларнинг ақлий ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, уларни бизнес оламига кенг жалб этиш учун келажак эгаларининг интилиш ва изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланиб, бу борада муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Ишчи гуруҳлари ва ҳайъат аъзолари туман-шаҳар босқичларида иштирок этган 171 нафар ўқувчи орасидан танлаб олинган 37 нафар талаба-ёшларнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик борасидаги салоҳияти замонавий ахборот, компьютер технологиялари ҳамда интернет хизматидан фойдаланишга оид билимлари, ишлаб чиққан инновацион лойиҳалари, фанларни ўзлаштириш даражаси, партия фаолиятидаги иштироки, намунали хулқи, етакчилик қобилиятига алоҳида эътибор қаратишди.

Ғолиб талабалардан уч нафари танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиб, партия вилоят ташкилотининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

*Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!*

ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.

Фаолиятингизда бирор муаммо юзага келса, сира иккиланмай бизга мурожаат этинг!

Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 даҳаси 19-Г уй.
Тел.: 8 (371) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

## Шижоат ва ишчанлик — бош мезон

**Асхор ИСТАМОВ**

Маълумки, маҳалла раислигига ҳар жиҳатдан муносиб номзодларнинг кўрсатилиши ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга эришишда муҳим ўрин тутади. Бухоро шаҳрида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига ана шу нуқтаи назардан ёндашилгани яхши самара бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шаҳардаги Фурқат номли МФЙ ҳудудида 1600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Сайлов ўтказилиши муносабати билан 4-сон умумтаълим мактаби мажлислар залида тўпланган вакиллар ҳар иккала номзод — Зебо Очилова ҳамда Замира Султонова ҳақида илиқ фикрлар билдирдилар. Овоз бериш натижаларига кўра эса Зебо Очилова маҳалла раислигига қайта сайланди. Шунингдек, маҳалла раисининг 9 кишидан иборат маслаҳатчилари учун ҳам якдиллик билан овоз берилди.

— Маҳалла раиси вазифасида ишлаш кишидан алоҳида ғайрат-шижоат талаб этади, — дейди O`zLiDeP аъзоси Зебо Очилова. — Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинида турли масалалар билан шуғулланувчи 12 та комиссия фаолият олиб бормоқда. 21 кишидан иборат кенгаш аъзолари ҳам фуқароларни ўйлантираётган муаммолар ечимини топишда фаоллик кўрсатишаяпти.

Шуниси эътиборга сазоворки, нафақат 3-сон маҳалла фуқаролар йиғини раиси, балки унинг бир қатор маслаҳатчилари ҳам O`zLiDeP аъзоларидир. Маҳалла котибаси Зебинисо Файзиева, партия бошланғич ташкилоти раиси Замира Султонова ва маҳалла фаоли Эгам Холназаров ҳам шулар жумласидандир. Улар жамоатчилик ишларида фаол бўлиш билан бирга O`zLiDeP дастурий ғоя ва мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, маҳалла ҳудудида тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам салмоқли ҳисса қўшаяптилар.

Нафақат Бухоро шаҳрида, балки вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам маҳалла раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови уюшқоқлик билан ўтказилаяпти. Шу кунгача Ғиждувон туманидаги «Позагари», «Буктарой» ҚФЙ, «Додарак» МФЙ, Олот тумани «Қозон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Ташаббус», «Истиқлол» ва «Янги турмуш» маҳалла фуқаролар йиғинлари, Вобкент туманидаги «Хайработча» қишлоқ фуқаролар йиғини, Ромитан туманидаги «Афросиёб» маҳалла фуқаролар йиғини, Жондор туманидаги «Мавгади», «Зарафшон» ҳамда Олот туманидаги «Асажам» маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловлар уюшқоқлик билан ўтказилди. Вилоятда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқсли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови давом этмоқда.





## «Ишбилармон ўқувчи» орқали тадбиркорликка замин яратилмоқда

**«КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА O`ZLIDEP СТИПЕНДИЯСИ УЧУН АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ИШБИЛАРМОН ЎҚУВЧИ» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ**

**Фарҳод ТОШБОЕВ,**
«XXI ASR»

Мазкур танлов мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ёшларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчилари орасида партия тарафдорлари сафини кенгайтиришга хизмат қилаётганини таъкидлаш мумкин.

— Жорий йилда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида юзлаб изланувчан ўқувчилар иштирок этди, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдулҳаким Турдиев. — Уларнинг яхши ва энг самарали ўттизга яқин лойиҳалари танлаб олиниб, вилоят босқичига йўлланма берилди. Танлов шартларига кўра, ҳайъат аъзолари иштирокчиларнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини қай даражада ўзлаштирганлиги, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари ҳамда интернет хизматидан фойдалана олиши, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалигига бағишланган инновацион лойиҳалар, партия фаолиятидаги фаол иштироки, етакчилик қобилияти ва намунали хулқи, ёшлар билан ишлаш каби қатор жиҳатларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Тадбир якунида Термиз туманидаги Янгиариқ касб-ҳунар коллежи биринчи босқич ўқувчиси Муяссар Мустонова, Қизириқ туманидаги Бандихон агросаноат касб-ҳунар коллежи иккинчи курс ўқувчиси Ойдиной Омонова ва Термиз Олимпия захиралари коллежи учинчи босқич ўқувчиси Наргиза Ёвқочдиева биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олдилар.

— Болалигимдан тадбиркор бўлишни орзу қилиб, мода дизайнерлиги ва тикувчилик-бичувчилик билан шуғулланиб келаман, — дейди Муяссар Мустонова. — Ушбу танловда меҳнатларим фахрли биринчи ўринга муносиб топилгани мени янги изланишларга даъват этди.

Танлов ғолиблари партия вилоят кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

• • •

Танловнинг мазкур босқичи барча вилоятларда уюшқоқлик билан ўтди ва қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди.

— Бу йил ҳам барча шаҳар ва туманлардаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Ишиблармон ўқувчи» стипендияси учун кўрик-танлов уюшқоқлик билан ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди O`zLiDeP **Наманган** вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Мусохон Юсуфжонов. — Кўрик-танловнинг мақсад ва шартлари оммавий ахборот воситаларида, суҳбат ва учрашувларда кенг тарғиб қилингани боис унда 300 нафардан ортиқ ўқувчи ўз иқтидорини намойиш этди.

Тадбирда ёшларнинг ақлий ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, уларни бизнес оламига кенг жалб этиш, бунинг учун жойларда зарур шарт-шароитлар яратиш, келажак эгаларининг интилиш ва изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди ва 36 нафар иштирокчидан уч нафар энг омадлиси финал босқичига йўлланма олди.

• • •

Танловнинг **Қашқадарё** вилоят босқичида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари олган иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий билимларидан ташқари, тикувчилик, тўқувчилик, қандолатчилик, зардўзлик, гулчилик сингари тўгаракларида ўзлари тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмасини ҳам намойиш этишди.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний хулосасига кўра, Шаҳрисабз иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабаси Фаёза Абдуллаева, Қарши ахборот технологиялари коллежи вакили Гулноза Дилмуродова, Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Шукрулло Муродов «Ишбилармон ўқувчи» кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар ва O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

• • •

**Фарғона** вилоятида ҳам мазкур танловни ўтказишга алоҳида аҳамият берилди. Асосий эътибор "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтиришга, ўз бизнесини ташкил этишлари учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш хамда академик лицей ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилишга қаратилди.

Танловда 35 нафар ўқувчи иқтидори ҳар томонлама имтиҳондан ўтказилди ва энг юқори натижага эришганлар ғолиб топилиб, республика босқичига йўлланма, қимматбаҳо совға ва махсус дипломларни қўлга киритдилар.

# «Вабо» остонаси

**2010 ЙИЛИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ТОМОНИДАН «РЕКЛАМА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН»ГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛГАЧ, ТАМАКИ, ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ҲАР ҚАНДАЙ ҚУВВАТДАГИ АЛКОГОЛЛИ ИЧИМЛИКЛАР РЕКЛАМАСИ ҚАТЪИЙ ТАҚИҚЛАНДИ**

**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,**
«XXI ASR»



Бироқ, шунга қарамай, айрим «тадбиркорлар» мўмай даромад илинжида ана шу муҳим қонун талабларига риоя қилмаяптилар. Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, қонун кучга киргандан кейинги 9 ой мобайнида 146 та ана шундай қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган ва ҳуқуқбузарларга нисбатан 318 миллион сўм турли миқдордаги жарималар қўлланилган. Энг қизиғи, қонун бузилиш ҳолатларининг асосий қисмини яширин рекламалар ташкил этмоқда.

Маълумки, амалдаги қонунларга асосан, яширин рекламага «истеъмолчининг идрокига унинг ўзи англамаган ҳолда таъсир ўтказадиган, шу жумладан, махсус видео иловалардан (қўш овозли ёзувдан) фойдаланиш ҳамда бошқа усуллар билан таъсир ўтказадиган реклама» сифатида таъриф берилади. Бундай рекламалардан радио-, теле-, видео-, аудио- ва кино маҳсулотда фойдаланиш ва уни ўзга усуллар билан тарқатишга ҳам йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланган. Аммо бугун рекламанинг таъсир кучидан фойдаланиб, санъатнинг энг оммавий тури саналган бадиий фильмлар сюжетига сунъий равишда чекиш саҳналарини киритиш, турли ёшдаги «қаҳрамон»ларнинг сигарет тутатиб турган ҳолатдаги тасвирларни такрор ва такрор кўрсатиш кўпайса кўпаймоқдаки, аммо камаймаяпти.

Бу кўпроқ хусусий студиялар томонидан яратилаётган киноларда яққолроқ кўзга ташланаяпти. Масалан, «Қизғалдоқ» ва «Йиғламагин» номли фильмларда ана шундай ҳолат кузатилади. Ушбу картиналарда сигарет чекиш одатий ҳол сифатида намойиш этилиб, юмор орқали ўспирин ва ҳаттоки ёш болаларнинг ҳам чекиши мумкинлиги очиқ-ойдин тарғиб қилинади. Тўғри, бу фильмлар кеча яратилгани йўқ. Аммо баъзи бир телеканаллар уларни ўнлаб маротаба намойиш этаётганлари тамакига қарши оммавий кураш айни қизиган бир пайтда уни тарғиб қилишга хизмат қилаётганга ўхшаб кетаяпти. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, республикамизда чекувчилар сонининг ҳар йили ўртача 30 мингга кўпаяётгани ва уларнинг ярмидан ортиғини ёшлар ташкил этаётгани ҳам масаланинг қанчалар долзарб эканини кўрсатади. Энг ачинарлиси, энди айрим янги кино асарларда (уларни шундай аташ мумкин бўлса) аёл чекувчилар образини янада ёрқинроқ гавдалантиришга қаратилган очиқ ҳаракатлар кўзга ташланаяпти.

Бошида дўппи, эгнида атласдан либос кийган чекувчи келинчакни ҳеч кўрганмисиз? Унда сиз «Кечиккан ҳаёт» фильмини томоша қилинг. Фильмнинг асл ғояси қандай мақсадга қаратилганини билмадиг-у, аммо бу фильмнинг ўсмир ёшдаги қизларга қанчалар таъсир этиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин эмас. Бугунги фильмларнинг асосий томошабини мактаб, коллеж ва лицей талабалари эканини ҳисобга олсак, масала моҳияти янада ойдинлашади.

Тадқиқотларга кўра, чекиш туфайли 30 дан ортиқ турли касалликларнинг ривожланиши инсоннинг самарали ҳаёт кечириш даврини 4,5 йилдан 19 йилгача қисқартирар экан. Тошкент тиббиёт академиясининг олий тоифали шифокори Шерали Масавировнинг таъкидлашича, тамаки тутуни таркибида 4 мингга яқин турли хилдаги органик ва ноорганик моддалар бўлиб, улар орасида энг хавфлиси никотин саналади. Унинг бир марталик ўлдирувчи дозаси одам учун 0,06-0,08 граммни ташкил қилади. Бу миқдор 20-25 дона сигаретда мавжуд бўлиб, никотиндан доимий заҳарланиш марказий нерв, нафас, юрак, қон-томир, ошқозон-ичак ва сийдик-таносил тизими аъзолари фаолиятининг бузилишига, кўриш ва эшитиш органлари функциясининг сусайишига, тиш эмалининг зарарланишига олиб келади. Жумладан, тамаки таркибидаги моддалар сил касаллигининг томир ёйишига энг асосий туртки бўлиб, улар жинсий безлар фаолиятини сусайтириши билан бирга эркакларда жинсий заифликни ҳам келтириб чиқаради.

— Тамаки истеъмол қилиш аксарият ҳолларда гиёҳвандликка ружу қўйишга олиб боради, — дейди республика Руҳий касалликлар шифохонаси бош шифокори Фарруҳ Абдулқосимов. — Даволанаётган беморларимиз асосан чекишни тамакидан бошлаб, гиёҳвандлик вабоси чангалига тушиб қолганлар. Бу вабонинг аянчли томони шундаки, у инсонни ўзлигидан, ақл-идроки ва энг асосийси — бебаҳо соғлиғидан жудо қилади.

**БОШИДА ДЎППИ ВА АТЛАСДАН ЛИБОС КИЙГАН ЧЕКУВЧИ КЕЛИНЧАКНИ ҲЕЧ КЎРГАНМИСИЗ? УНДА «КЕЧИККАН ҲАЁТ» ФИЛЬМИНИ ТОМОША ҚИЛИНГ. ФИЛЬМНИНГ АСЛ ҒОЯСИ ҚАНДАЙ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАНИНИ БИЛМАДИГ-У, АММО БУ ФИЛЬМНИНГ ЎСМИР ЁШДАГИ ҚИЗЛАРГА ҚАНЧАЛАР ТАЪСИР ЭТИШИ МУМКИНЛИГИНИ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН ЭМАС.**

Кунига бир қути сигарет чекувчи шахс бутун ҳаёти давомида организмига 2 килограмм миқдоридаги соф никотинни қабул қилар экан. Ушбу миқдор 20 минг кишини бирданига ўлдириш кучига эга эканини кўпчилик билмаса керак. Шу боис ҳам тамакининг зарарли оқибатларига қарши дунё ҳамжамияти кескин кураш олиб бормоқда.

Биринчилардан бўлиб Ирландия ҳукумати жамоат жойларида тамаки чекишни тақиқловчи қонун чиқарган бўлса, ундаги тартибларни бузган фуқаро 3 минг евро миқдорида жарима тўлаши белгилаб қўйилди. Норвегияда эса ресторан, бар ва қаҳвахоналарда сигарета чекилмаслигидан ташқари, 32 йилдирки, тамаки маҳсулотлари мутлақо реклама қилинмаяпти. Австралия қонунчилигига кўра эса илгари иш жойларида, ҳукумат бинолари, шифохоналар, аэропорт, ресторан ва савдо марказларида тамаки чекиш тақиқланган бўлса, эндиликда ҳатто оммавий чўмилиш жойларида ҳам чекишга рухсат берилмаяпти.

Мана 23 йилдирки, 31 май — бутун дунёда чекишга қарши кураш халқаро куни сифатида нишонланаяпти. Аммо сайёрамизда чекувчилар сонининг 1,2 миллиарддан ошгани, 2030 йилга бориб тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида ҳаётдан бевақт кўз юмаётганларнинг 10 миллионга яқинлашиши бу борадаги уринишлар кутилган даражада натижа бермаётганидан далолатдир. Бу эса шундоқ ҳам глобал экологик мувозанатнинг издан чиқиши туфайли пайдо бўлаётган кўплаб касалликлардан азият чекаётган жамият олдига янги, таъбир жоиз бўлса ниҳоятда кескин муаммоларни кўндаланг қўймоқда.

Бир сўз билан айтганда, нафақат бугунги ҳаётимиз балки, келажак авлодлар генофондига жиддий хавф солувчи ярамас иллатга қарши биргаликда курашилмас экан, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Зеро, оний лаззат ортидан йиллар ўтиб, тўшакка михланиб қолгандан кейин афсус чекишдан фойда йўқ.

Фермерлик ҳаракати — қишлоқдаги ҳал қилувчи куч

# Шукрона

**— БУНДАН 20 ЙИЛ МУҚАДДАМ ЎЗ ЕРИМГА ЭГА БЎЛИБ, ОДАМЛАРГА НАФИМ ТЕГИШИНИ ОРЗУ ҚИЛГАНДИМ, — ДЕЙДИ O`ZLIDEP АЪЗОСИ, «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ СОҲИБИ, ОҲАНГАРОН ТУМАНИДАГИ «АВАЗХОН» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ АВАЗ АЗИМОВ**

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI ASR»



— Хўжалигимизни мустақиллигимизнинг дастлабки йили, яъни 1991 йилда ташкил этишга киришиб, 1992 йилда 150 гектар ерда деҳқончилик қилишдан бошлаганмиз. Яратганнинг марҳаматими ёки азбаройи фермер бўлганимиздан қувонибми, дастлабки йилиёқ 250 тоннадан зиёд ғалла хирмони уюшга эришгандик. Бу мўлжалдагидан қарийб 100 тонна кўп эди ўшанда...

Суҳбатдошимиз тортмадан эскирган газета олиб, менга узатди.

— Бунда Юртбошимизнинг мамлакатда фермер хўжаликларини ташкил этиш тўғрисидаги фармонлари чоп этилган. Ана шу ҳужжат мен каби минглаб юртдошларимнинг мулкдор бўлишларига замин яратган эди...

Тўғри, дастлаб бироз қийналдик. Сабаби, ўшанда ерни ҳайдашдан бошлаб, уруғ қадаш-у, пировардида уни йиғиштириб олишгача бўлган жараёнларда техникалар биринчи навбатда хўжалик ерларига, энг охиридагина фермерларга бериларди. Баъзан трактор топсам, ўғит излаб овора бўлар, техника ишламай қолса, устахона мудирини қидириб сарсон бўлардим. Бугун эса шароит бутунлай ўзгарди. Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати кенг қўллаб-қувватланаётгани туфайли ишлаб чиқаришни йил сайин кенгайтириш, имтиёзли кредитлар олиб, янги иш ўринлари яратиш имкониятига эга бўлдик ва фермерлар қишлоқ мулкдорлари сифатида асосий кучга айланди. Хўжалигимиз ташкил этилганда атиги 1 та эски тракторимиз бор эди. Ҳозир эса кераклича техника воситаларига эгамиз.

Аваз ака бошоқлари ҳадемай олтин ранг оладиган буғдойзорга маъноли боқар экан, ҳукуматимизнинг фермерларга қаратаётган алоҳида эътиборига деҳқонча баҳо бериб қўяқолди.

— Агар ерга қадалган ниҳол эҳтиётлаб парваришланмаса яхши униб-ўсмайди. Фермерлар ҳам ўтган давр ичида худди навниҳол сингари авайлаб-асралди. Натижасини эса ўзингиз кўриб турибсиз.

Аваз ака билан суҳбатимиз чоғида у кишидан ерга эгалик қилган дастлабки йилларда ишчилари билан бирга қурган 10-15 хонадондан иборат мўъжазгина қишлоқ, унинг ободлиги йўлида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳам эшитишни кутгандик. Бироқ суҳбатдошимиз бу ҳақда гапирмади. Саховат йўлида қилинган ишлари ҳақида сўзлаб беришни эп кўрмадилар, чоғи. Фермер хўжалиги ишчилари яшайдиган қишлоқ даладан анча олисда бўлгани учун унумдорлиги паст, ташландиқ ерларни ўзлаштиргани, болаларнинг билим олишлари учун ўз жамғармаси ҳисобидан мактаб қурганини ҳам ишчи-хизматчилардан билдик.

Аваз аканинг 20 йиллик фаолиятини таҳлил этиб, «ҳа энди замона зайлида», дейиш ҳам мумкин. Аммо, гапнинг индаллосини айтганда, бугун узоқ-яқинларда янги иш ўринлари яратиш у ёқда турсин, халқини боқа олмаётган давлатлар қанча. Юртимизда эса, нафақат бугунги кунимиз, балки келажагимиз учун мустаҳкам замин яратилмоқда. Ана шуларни ўйлаганда Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт!" деган сўзлари ёдга тушади ва бу сўзлар ижобатининг гувоҳи бўлаётганимиздан қувонамиз. Аваз фермер таъбири билан айтганда, бешикдаги боласидан тортиб, нуронийларигача гард юқтирмай келаётган мамлакатда яшаётганимиз учун яратганга қайта-қайта шукроналар айтамиз.

## Партия фаоллари ғолибларни қутлади

Фарғона вилоятининг сўлим Водил қишлоғида водий кураш мактабининг йирик намояндалари — Ҳамид ва Темур полвонлар хотирасига бағишланган анъанавий турнир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Кураш миллий федерацияси ташаббуси билан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — O`zLiDeP ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақаларда юртимизнинг деярли барча минтақаларидан келган 300 дан зиёд полвону «барчиной»лар иштирок этди.

Тўққизинчи маротаба ўтказилган турнирда йигитлар гиламга олти (60, 66, 73, 81, 90 ва ундан ортиқ) вазн тоифасида чиққан бўлсалар, қизлар учта (52, 70 ва ундан ортиқ) вазнда ўзаро баҳслашдилар.

Қизғин кечган беллашувлар якунларига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин самарқандлик курашчиларга насиб этди. Мезбонлар жамоаси бу борада иккинчи кўрсаткични қайд этган бўлса, тошкентлик спортчилар учинчи поғонани банд этдилар.

Турнир якунида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар, шу жумладан, O`zLiDeP вилоят ва туман кенгашининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

## «Grand M» ишга туширилди

Навоий шаҳрида «Grand M» номли тўрт юлдузли меҳмонхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

«Қизилқум Бахт Барака» МЧЖ буюртмасига биноан шаҳар марказида қад ростлаган тўрт қаватли бинода 33 та хона, шу жумладан, икки кишилик люкслар мижозларга мунтазир. Сауна, спортзал, усти очиқ бассейн, миллий ва Европа таомлари ресторани, шунингдек, анжуманлар зали ҳам меҳмонлар хизматига шай қилиб қўйилган.

Мутахассисларнинг фикрича, «Grand M» тез орада мамлакатимиздаги ягона эркин индустриал-иқтисодий ҳудуд ва йирик халқаро аэропортга эга шаҳарнинг ташриф қоғозига айланади.

## Шаҳрисабзда голландча пишлоқ

Қашқадарёнинг энг сўлим ҳудудларидан биридаги сутни қайта ишлашга ихтисослашган «Саидов Бекзод» хусусий корхонасида янги маҳсулот — «Костромской» навли пишлоқ тури тайёрлана бошланди. Голланд пишлоқ турларига ўхшаш 5-6 килограммдан қадоқланган маҳсулот сифати Европаникидан қолишмайди.

Вилоят ҳокимлиги матбуот хизматидан хабар қилинишича, корхонада бугунги кунда бир кеча-кундузда 1,5 тонна хом ашё қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

ASAKA BANK

**ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!**
**«АСАКА» БАНК (ОАЖ)**

Сизларга миллий валютадаги
**«ЭҲТИРОМ — 2011»**
муддатли омонат турини таклиф этади.
Сақланиш муддати — 9 ой.
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилганда берилади.
Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

***Мурожаат учун «Асака банк» (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-20, 120-39-60.***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 225-16-46 |
| 5. | Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (374) | 229-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (366) | 234-17-96 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (361) | 223-72-47 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

**Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

***«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.***

*Хизматлар лицензияланган.*

# 2011 — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

22 (394)-СОН | 2011 йил 2 июнь, пайшанба | e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com

## Инвестициясиз тараққиёт ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди

**2010 ЙИЛДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН АЖРАТИЛГАН САРМОЯЛАР 1,4 БАРОБАРГА ОШИБ, 195,2 МЛРД. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТДИ**

**Носир ТОШЕВ,**
«XXI ASR»



Ана шу маблағ эвазига 20 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиб, ялпи ички маҳсулот ҳажмида кичик бизнеснинг улушини 51,8 фоиздан 54,7 фоизга оширишга эришилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодиётнинг реал секторини изчил қўллаб-қувватлаш орқали ҳудудда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш ҳамда маҳсулот мўл-кўллигини таъминлашга эришилаётир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, улар учун бошланғич сармояни шакллантириш, ишлаб чиқаришни босқичма-босқич ривожлантириш ҳамда кредитларни устувор равишда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш мақсадларига ажратиш бўйича ҳам барча имкониятлар ишга солинаяпти. Банклар филиалларида "Тадбиркорлар хонаси" ташкил этилиб, бу ерда улар учун яратилган имтиёзлар, шарт-шароитлар ҳамда таклиф этилаётган янги хизматлар ҳақида ахборотлар бериб борилмоқда. Шу ўринда ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун йўналтириладиган узоқ ва ўрта муддатли кредит ажратиш механизмлари қайта кўриб чиқилиб, бугунги талабларга мослаштирилганини таъкидлаш жоиз.

**ЖОРИЙ ЙИЛДА ВИЛОЯТДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ҲАЖМИНИ БУЛТУРГИГА НИСБАТАН 1,3 БАРАВАР КЎПАЙТИРИБ, 253,7 МЛРД. СЎМГА ЕТКАЗИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН. КРЕДИТЛАРНИНГ 42,4 МЛРД. СЎМИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ЖУМЛАДАН, ГЎШТ ВА СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ, 24 МЛРД. СЎМИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҲАМДА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИ.**

Мижозларнинг истиқболли лойиҳаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш банк жамоасининг эзгу мақсадларидан биридир. Мана, бир мисол. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қибрай филиали ёрдамида Аргин қўрғонида фаолият кўрсатаётган «BIO-SUT» қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти «Multivac Export AG» (Швейцария)компаниясининг замонавий сут қадоқлаш ускуналари билан таъминланди. Бунинг учун Халқаро тараққиёт уюшмаси кредит линияси ҳисобидан 234 минг АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредит ажратилди. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 317,3 минг долларга тенг бўлиб, беш йил давомида 224,2 минг АҚШ доллари миқдорида фойда олиш кўзда тутилмоқда. Янги техника ва технология ёрдамида йилига юз тоннага яқин юқори сифатли пишлоқ тайёрлаш имконияти бор.

Жорий йилда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш ҳажмини бултургига нисбатан 1,3 баравар кўпайтириб, 253,7 млрд. сўмга етказиш режалаштирилган. Кредитларнинг 42,4 млрд. сўми озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, гўшт ва сутни қайта ишлаш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш, 24 млрд. сўми хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини ривожлантириш учун йўналтирилади.

Ёшларни, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш айни кундаги муҳим вазифалардан биридир. Уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун 2,4 млрд. сўм сармоя ажратиш кўзда тутилмоқда. Ушбу маблағ биринчи навбатда қишлоқ жойларида ёшларга мўлжалланган маиший хизмат иншоотлари барпо этиш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун йўналтирилади.

Вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш учун ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган тўрт ой мобайнида ана шу мақсадлар учун тижорат банклари томонидан 145 млрд. сўм ёки 2010 йилнинг айни даврига нисбатан 36 фоиз кўп инвестиция ажратилганлиги фикримиз далилидир. Жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун йўналтирилган кредитлар 43 фоизга ошиб, 22,3 млрд. сўмни ташкил этган. Ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни молиялаштиришда ҳам жиддий ўсиш кўзга ташланади. Бошқача айтганда, ушбу мақсад учун 19,4 млрд. сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,6 баробар кўп кредит ажратилган. Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун ҳам яқиндан молиявий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 6,2 млрд. сўм кредит, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 380,1 млн. сўм микрокредит ажратилди.

Тижорат банклари қошида имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ташкил этилган бўлиб, уларнинг сармоялари асосан олис ва бориш қийин бўлган туманлар, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туман ва шаҳарлардаги кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилмоқда. Ажратилган кредитлар ҳисобидан ҳозиргача вилоятда 3700 дан зиёд қўшимча иш ўрни яратилди. Айтиш жоизки, мулкчилик субъектларини молиялаштиришда уларнинг ички имкониятларидан келиб чиқилаётир. «PROGRESS PARRANDA» фермер хўжалиги учун Украинанинг «Нежинсельмаш заводи»дан 47520 бош парранда сақланадиган махсус ускуна харид қилинганда ана шундай йўл тутилди. «Қишлоққурилишбанк» ОАТБ вилоят филиали саъй-ҳаракати билан Халқаро тараққиёт уюшмаси кредит линияси ҳисобидан 299,7 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи ажратилди. Ҳозир бу ерда барча ишлар рисоладагидек давом эттирилмоқда. Энг муҳими, иқтисодий тушум миқдорини ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 30 фоиз оширишга эришилди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда. Бунда асосан тижорат банкларининг молиявий имкониятларидан кенг фойдаланилаётир. Мулкдорларга ҳозиргача 143 та янги техника олиб берилди. Бунинг учун 9,4 млрд. сўм (ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 4,2 млрд. сўм кўп) сармоя йўналтирилди. Айни кунда тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан иш ҳақи, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғит, қишлоқ хўжалиги техникалари лизинги бўйича тўловлар ва механизация хизматлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва ҳоказолар билан боғлиқ зарурий харажатлар ўз вақтида молиялаштириб борилмоқда.

Вилоятда аҳоли фаровонлиги ошиб, турмуш маданияти юксалаётган экан, бу энг аввало, аграр соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда тобора юқори натижаларга эришилаётганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Фермерлар қишлоқда етакчи кучга айланиб боришмоқда. Улар банкка, банк эса уларга таянади. «Агробанк» ОАТБ Гулбаҳор филиали томонидан «Маҳмудов Ўткир» фермер хўжалигига 222,4 млн. сўм кредит ажратилган эди. Хўжалик ушбу сармояга ғалла ўриш комбайни ва сомон ғарамлаш ускунаси сотиб олди. Ҳозирги кунда хўжаликнинг жами экин майдони 350 гектардан зиёдроқ бўлиб, бу ерда 130 бош зотдор қорамол, 180 бош қўй-қўзи ҳам парвариш қилинмоқда. Аҳолига сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бериш жамоа аъзоларининг эзгу мақсадига айланган.

Кези келганида тижорат банклари иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш билан бирга ўз балансларига олинган иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш бўйича ҳам бир қатор ишларни амалга ошираётганликларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, 2011 йил 1 май ҳолатига вилоятда 23 та корхона банклар балансига қабул қилинган бўлиб, киритилган 29,3 млрд. сўмлик инвестиция ҳисобига уларнинг барчасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди. Шундан 9 таси мулкдорларга 73,3 млрд. сўмга сотилди. Жорий йилнинг ўтган даврида фаолияти қайта тикланган корхоналар томонидан 18,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва шунинг асосий қисми хорижга экспорт қилинди. Ушбу корхоналарда 2000 дан зиёд янги иш ўринлари яратилганлиги ҳам эътиборга лойиқдир.

Бир сўз билан айтганда, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"нинг дастурий режалари Тошкент вилоятида ўз ижобатини топаётир. Банк муассасалари ислоҳотларнинг олдинги сафида туриб, барча хайрли амалларга камарбаста бўлаяпти. Бу эса иқтисодий соҳада танлаган йўлимизнинг нақадар тўғри ва ҳаётийлигидан далолат беради.



## Бизнес вакиллари сафи кенгаймоқда

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАРДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ҲАМДА «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА**

Минг-минглаб бўлажак мулкдорлар фаол иштирок этаётган ана шу тадбирларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида кредитлар ажратиш механизмлари янада соддалаштирилаётгани ҳақида атрофлича маълумотлар берилмоқда. Маълумки, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капитал ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитлар ажратиш механизмлари тўлиқ қайта кўриб чиқилиб, ҳозирги давр талабларига мослаштирилди. Якка тартибдаги тадбиркорлар, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига берилаётган кредит учун кафолат сифатида жисмоний шахсларнинг мол-мулкини гаровга олиш амалиётини жорий қилиш юзасидан тижорат банкларининг кредит сиёсати ҳамда бошқа ички тартибларига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Савдо-саноат палатаси, Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, "Маҳалла" жамғармаси, "Тадбиркор аёл" уюшмаси, тижорат банклари билан ҳамкорликда ўтказилаётган барча тадбирларда ана шундай янгиликлар аҳолига тушунтирилаяпти. Хусусан, Қашқадарё вилоятининг Ғузор, Қарши, Касби, Муборак ва Китоб туманларидаги касб-ҳунар коллежларида оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар, улар учун яратилган қулайлик ва имтиёзлар, соҳа субъектларига кредитлар ажратиш ва банк хизматлари кўрсатиш тартиблари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда "Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи!" шиори остида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга 3,5 трлн. сўмдан ортиқ, нобанк кредит ташкилотлари томонидан эса 307 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилиши ва лизинг хизматлари кўрсатилиши кўзда тутилган. Соҳа субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга эса жами 3,8 трлн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.

Қашқадарё вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун режалаштирилган молиявий ресурслар ҳажми эса қарийб 191 млрд. сўм миқдорда прогноз қилингани ҳолда жорий йилнинг январь-апрель ойларида ажратилган маблағлар 59 млрд. сўмдан ошди. Шундан 400 млн. сўмга яқини оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга йўналтирилиб, йил якунига қадар бу кўрсаткични қарийб 1 млрд. сўмга етказиш кўзда тутилмоқда.

Маълумки, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида ишлаб чиқилган дастурга кўра, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги воҳа йигит-қизларига 1,2 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатилиши белгиланган бўлиб, жорий йилнинг 1 май ҳолатига ажратилган микрокредитлар ҳажми 493 млн. сўмдан ортди.

## Энди болаларга алкоголь сотмайсиз. Акс ҳолда...

Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган «Ростгўй сотувчи» ижтимоий лойиҳаси доирасида 18 ёшга тўлмаган болаларга спиртли ичимликлар сотмаган савдо ходимларига совғалар топширилган бўлса, мактаб ўқувчиларига спиртли ичимлик сотганларга сўнгги огоҳлантиришлар берилди.

«Камолот» ЁИҲ, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Пиво ва алкоголсиз маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси билан ҳамкорликда ўтказилган акцияда асосий эътибор балоғат ёшига етмаганларга алкоголли ичимликларни сотишни тақиқловчи қонун меъёрларининг сўзсиз ижросини таъминлашга қаратилди.

Пойтахтнинг турли нуқталаридаги дўконларга кириб, сотувчиларни «синов»дан ўтказган лойиҳа қатнашчилари ёш болаларга пиво сотмаган масъулиятли савдо ходимларига осма соат ва акция логотипи туширилган футболкаларни совға қилган бўлсалар, бу борадаги тартиб-қоидаларга риоя қилмай, вояга етмаганларга алкоголли ичимликлар сотганлар билан тушунтириш ишлари олиб бордилар.

# Лоқайдлик гирдоби

**ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ТУПРОҚ ҲОЛАТИ ВА УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИ САЙЁРАНИНГ ЭНГ ОҒИР МУАММОСИГА АЙЛАНГАНИНИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН 1,5 МИЛЛИАРД ГЕКТАР ЕРНИНГ 6-7 МИЛЛИОН ГЕКТАРИ ДЕГРАДАЦИЯГА УЧРАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР**

**Файзулло АБДУЛБОҚИЕВ**



Она сайёрамизда экологиянинг тобора ёмонлашаётгани Ер юзида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва бошқа офатларни келтириб чиқараётгани кўпчиликка сир эмас, албатта. Аммо бу бутун дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли-туман касалликларни келтириб чиқараётгани муаммонинг ниҳоятда оғир эканини кўрсата бошлади.

Шунинг учун ҳам соҳа мутахассислари, агар олди олинмаса, биринчи навбатда, Яқин Шарқ, Африка, Осиёнинг катта қисми, Жанубий Европа ва Австралиянинг глобал иқлим ўзгаришлари туфайли жиддий ижтимоий муаммолар гирдобида қолажагини таъкидлай бошладилар.

Ҳақиқатан ҳам, глобаллашув жараёнлари жаҳон сиёсий маконининг янгича кўриниш олиши ва тараққий этишига салбий таъсир кўрсатаяпти. Шу билан бирга замонавий халқаро муносабатлар дунё халқлари ўртасидаги яқинлашув жараёнларини тезлаштириш, ҳамкорликни кучайтириш, мавжуд ижтимоий-сиёсий муаммолар, айниқса, минтақавий ва давлатлараро можароларни ҳал қилиш, қашшоқлик ва қолоқликни тугатиш ҳамда экологик хавфсизликни ҳамжиҳатликда таъминлашни талаб этаётир.

Тан олиш керак: экологик хавфсизликни таъминлаш, глобал иқлим исишининг олдини олиш инсоният олдида турган энг нозик, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамот масаласига айланиб бўлди. Аксарият мутахассислар Ер шарининг экотизими емирилиш арафасида турганини, агар зудлик билан қатъий чоралар кўрилмаса, дунё аввал кузатилмаган кенг миқёсли қурғоқчилик ва сув тошқинлари, вайронкор довуллар, юқумли тропик касалликлар, ҳарбий можаролар ва мислсиз миграция таҳдидларига дучор бўлиши мумкинлигини бот-бот такрорлай бошладилар. XX асрнинг иккинчи ярмидан экологияга нисбатан инсон омилининг салбий таъсири, минераллашган сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши, шўрланиш, табиий унсурлардан нотўғри фойдаланиш, соҳага оид қонунлардаги камчилик хунук оқибатларни келтириб чиқараётганини таъкидламоқ жоиз. Айниқса, глобал иқлим исиши инсониятни хавотирга солаётган асосий сабаблардан биридир. Мутахассислар таъкидлашича, атмосферадаги йиллик ўртача ҳаво ҳароратининг аста-секин кўтарилишига очиқ электростанциялар, автомобиль тутунлари, завод қувурлари ва бошқа ифлослантирувчи манбалар ҳаво бўшлиғига йилига 22 млрд. тоннага яқин зарарли газлар чиқараётгани сабаб бўлмоқда. Чорвачилик, ўғитдан фойдаланиш, кўмир ёқилиши ва бошқа манбалар эса йилига 250 млн. тонна метан ҳосил қилаяпти. Энг ачинарлиси, инсоният томонидан ҳавога чиқариб ташланаётган барча иссиқлик газларининг ярмига яқини атмосферада қолиб кетаяпти. Яқинда Японияда содир бўлган кучли ер ости силкинишлари ва унинг ортидан Фукусима АЭСида авария юз бериши ҳам экологияга мисли кўрилмаган тарзда зиён етказди. Энг ёмони, бундай турдаги станциялар ўнлаб мамлакатларда қалашиб ётибди.

БМТ ҳузуридаги иқлим ўзгаришларини ўрганувчи ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи маърузасида таъкидланишича, XXI аср охирига бориб, ердаги ўртача ҳарорат одатдагидан 6,4 даража юқори бўлади.

Мана шундай шароитда олимлар иқлим ўзгаришларига бағишланган музокаралар жараёнида сиёсатчиларни инсоният учун ўта хатарли лаҳзаларда бир гуруҳ кимсаларнинг манфаатига ён бермасликка чақирмоқдалар. Дарҳақиқат, рақамлар Ер шари аҳолисининг ярмидан кўпроғи (6,9 млрд.дан 4,3 млрд.и) чучук сув етишмайдиган ва қурғоқчилик ҳукм сураётган ҳудудларда яшаётганини кўрсатаяпти. Биргина Австралияда табиий ва инсон омиллари оқибатида суғориладиган ерларнинг 50 фоизи экин экишга яроқсиз ҳолатга келган. Ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидлар энг юқори нормалардан ҳатто ўнлаб баробар ортиқ миқдорда фойдаланилган сайёрамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам вазият бундан-да оғир. Улар тупроқни, дарё, кўл, ер ости ва ичимлик сувларни ифлослантирмоқдалар. Бундан ташқари, янги ерлардан фойдаланишда зарур технологияларга риоя қилинмаяпти. Тупроқ таркибидаги намлик даражаси ҳам ортаяпти. Бу эса унинг қайта шўрланишига олиб келмоқда. Турли кимёвий воситалар, зарарли моддалар ва минерал ўғитларни, саноат ва қурилиш материалларини сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг қўпол равишда бузилиши ҳам ернинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, тупроқ ҳолати ва унумдорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар барча мамлакатлар учун оғир муаммога айланди, десак муболаға бўлмайди. ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, сайёрамизда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 1,5 миллиард гектар ернинг ҳар йили 6-7 миллион гектари деградацияга учраб, муомаладан чиқиб кетаётгани ташвишланарли ҳолатдир.

Албатта, табиат ҳолати бирданига ва дарҳол ёмонлашиб қолгани йўқ. Бу узоқ давом этган жараёндир. Шундай экан, тараққиётнинг ҳозирги босқичи ва келажаги ана шу муаммонинг қай даражада ҳал қилинишига боғлиқдир. Табиийки, халқаро ҳамжамият атроф-муҳитга қанчалик кам эътибор қаратгани сайин табиат ҳам инсондан шунчалик кўп ўч олмоқда. Дунёнинг бир бурчагида кузатилаётган қурғоқчилик, иккинчи қисмида рўй бераётган сув тошқинлари, яна бир минтақада содир бўлаётган ҳалокатли зилзила ва цунами бунинг яққол исботидир. Жумладан, АҚШнинг айрим штатларида юзага келган тўфон оқибатида 150 нафарга яқин инсон ҳаётдан кўз юмди. Олимлар томонидан ўтказилаётган тадқиқотлар Жаҳон океанининг юқори қисмида сув ҳарорати вақти-вақти билан ошиб, ҳаво бўшлиғининг юқори қатлами ва ҳарорати пасайиб бораётганини кўрсатаяпти. Сайёрамиздаги ана шундай муаммоларнинг пайдо бўлиш сабабларига тўхталар экан, британиялик машҳур табиатшунос-олим Дэвид Беллами энг асосий экологик муаммо Жанубий Америкадаги тропик ўрмонлар майдонининг камайиши эканини таъкидлайди.

Ўтган ҳафта Исландиядаги табиий офат, аниқроғи — вулқон отилиши Европа ҳудудида бир муддат авиақатновларнинг бекор қилинишига сабаб бўлганини ҳам бир эсга олайлик.

Атроф-муҳит муҳофазаси ва экология билан боғлиқ муаммолар Марказий Осиё давлатлари учун ҳам бегона эмас, албатта. Тожикистондаги Помир ва Тян-Шандаги музликларни ўрганиш ҳамда асраш дастури муаллифлари хулосасига кўра, минтақадаги сув захираларининг 60 фоизини ташкил этувчи музликлар хавф остида. Тожикистон об-ҳавони кузатиш маркази мутахассисларининг маълумотларига қараганда, биргина Федченко музлиги 1937 йилдан 2007 йилга қадар 1,5 километр узунлик ва 800 метр баландликда эриган. Сўнгги 60 йил давомида Марказий Осиёнинг жанубий қисмида ҳаво ҳарорати 1 даражага кўтарилгани музликлар эришининг жадаллашувига ҳам таъсир ўтказмай қолмаяпти. Мутахассислар таъкидлашларича, иқлим исиши таъсиридан келгуси беш йил орасида тахминан 1,5 мингта каттаю кичик музликлар батамом йўқ бўлиб кетиши мумкин. Жаҳон банкининг 2009 йилги ҳисоботида Тожикистондаги абадий музликларнинг эришига фақат иқлим ўзгаришларигина эмас, балки атроф-муҳит ҳимоясига эътиборнинг сустлиги ҳам сабаб бўлган.

Аҳоли сонининг кўпайиши ва сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, янги ерларни жадал ўзлаштириш, суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш, сув тақчил ҳудудларда бир хил экинларнинг такроран экилиши энг янги тарихдаги йирик глобал экологик ҳалокат — сайёрамиздаги энг чиройли сув ҳавзаларидан бири – Оролнинг қуришига олиб келгани ҳеч кимга сир эмас, албатта.

Сўнгги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 баробардан кўпроққа қисқарди, сув ҳажми 10 маротаба камайди, унинг минераллашуви эса худди шу миқдорда ошди.

Экологик хавф доимий тус олиб, мавжуд ҳудуд ва маҳаллий аҳолининг турмуш сифати ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мўйноқдаги «кемалар қабри»ни ўз кўзи билан кўрган БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ҳам Марказий Осиё давлатларига сафари чоғида экологик муаммоларни ечишда ҳамкорликни кучайтиришга чақириши ҳам бежиз эмас. Чунки 1960-йилларга қадар дунёнинг тўртинчи йирик кўли ҳисобланган Орол денгизи ҳозирги пайтда тенг ярмига қисқарди.

Хуллас, экологик хавфсизлик ва глобал иқлим исиши муаммоси дунёнинг ҳеч бир давлати ёки халқига бегона эмас. Бир жойда рўй берган табиий офат эртага бошқа давлатга етиб бормаслигига ҳам кафолат йўқ. Орол денгизининг қуриб бориши, жаҳон океанларидаги ҳароратнинг ўзгариши ва ёзда Антарктида музликларининг эриши дунёнинг бошқа мамлакатларида акс-садо бераётганига бугун жаҳоннинг нариги бир чеккасида содир бўлаётган табиий офатлар орқали гувоҳ бўлиб турибмиз.

## Qishloq Qurilish Bank

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА БАНК ТОМОНИДАН ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАР АСОСИДА МОЛИЯВИЙ КЎМАК БЕРИШ БОРАСИДАГИ ТАДБИРЛАР ДОИРАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЎРТАСИДА

**“Энг яхши инновацион лойиҳа”,**
**“Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа”,**
**“Хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши лойиҳа”,**
**“Энг яхши ёш тадбиркор”,**
**“Энг яхши аёл тадбиркор”,**
**“Энг яхши инвестицион лойиҳа”**
**номинациялари бўйича кўрик-танлов эълон қилинади.**

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Танлов иштирокчиси | Кўрик-танловда қатнашиш учун ариза берилган кунда ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари. |
| 2. | Бизнес-режаларни қабул қилувчи | ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”ининг барча минтақавий ва туман филиаллари |
| 3. | Ҳужжатларни тақдим этиш муддати | 2011 йил 1 июлгача |
| 4. | Танлов ғолибларини эълон қилиш муддати | Мустақиллик байрами арафасида |
| 5. | Ютуқлар | Танлов ғолиблари махсус диплом, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади ҳамда банк кредитларидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади. |

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

| Минтақавий филиаллар | Телефон рақамлари | Минтақавий филиаллар | Телефон рақамлари |
|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон минтақавий филиали | (361) 223-72-19, 770-61-66 | Самарқанд минтақавий филиали | (366) 221-57-55, 210-02-56 |
| Андижон минтақавий филиали | (374) 225-80-49, 298-04-55 | Сурхондарё минтақавий филилали | (376) 227-51-67, 770-83-65 |
| Бухоро минтақавий филиали | (365) 223-58-86, 770-00-80 | Сирдарё минтақавий филиали | (367) 225-22-70, 221-00-60 |
| Жиззах минтақавий филиали | (372) 223-55-08, 771-63-33 | Тошкент вилояти минтақавий филиали | (371) 252-27-20, 150-79-10 |
| Қашқадарё минтақавий филиали | (375) 223-18-85, 223-10-73 | Тошкент шаҳар минтақавий филиали | (371) 236-70-60, 150-77-02 |
| Навоий минтақавий филиали | (436) 224-98-01, 770-27-95 | Фарғона минтақавий филиали | (373) 222-56-64, 222-82-01 |
| Наманган минтақавий филиали | (369) 223-04-35, 223-04-33 | Хоразм минтақавий филиали | (362) 227-27-90, 770-43-80 |

**Қўшимча маълумотни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:**
**100060, Тошкент шаҳри, «Шаҳрисабз» кўчаси, 36.**
**Телефон (+99871) 150-76-57, 150-76-45**
**Ахборот маркази: (+99871) 150-39-93, 150-93-39**
**www.qishloqqurilishbank.uz**

## ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

### Кампирларга «аталган» консерва



Испаниядан Германияга келтирилаётган консерва маҳсулотларида хавфли бактерия ташувчи модда борлиги аниқланди. Айнан шу туфайли Олмонияда 10 киши ўткир ичак инфекциясидан вафот этган. 300 дан ортиқ кишида эса хасталик аломатлари қайд этилган. Касалликнинг юқиши ва ўлим билан боғлиқ ҳолатларнинг аксарияти Германияда кузатилган бўлса-да, у Швеция, Дания, Голландия ва Буюк Британияни ҳам четлаб ўтмаяпти. Евроиттифоқнинг бошқа мамлакатларида ҳам Испаниядан келтирилган сабзавот маҳсулотлари санитария текширувидан ўтказилмоқда. Ҳозиргача озиқ-овқатдан катта ёшлилар, асосан аёллар заҳарланғани айтилмоқда.
Испания ҳукумати келтирилган зарар учун компенсация тўлашини билдирган.

### Марҳамат қилиб, тилингизни тийинг!




Австралиянинг Виктория штатида инсон шахсиятига тегадиган ҳақоратомуз сўзларни ишлатган фуқароларга жарима солиш белгилаб қўйилди. Янги қонунда полициячиларга қонунбузарга нисбатан ўша жойнинг ўзидаёқ жарима солиш ҳуқуқи берилган. Тўлов миқдори 240 Австралия доллари атрофида бўлади. Бу тахминан 450 минг сўмга тенгдир.
Штат ҳукумати вакиллари мазкур қонун жамоат жойларида ўзгалар тинчини бузадиган фуқароларга нисбатан самарали чора эканлигини таъкидлашмоқда. Айтиш жоиз: Виктория аҳоли сони бўйича Австралия штатидан сўнг, мамлакатнинг иккинчи маъмурий ҳудуди ҳисобланади.

*Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.*

O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши партиянинг Термиз шаҳар кенгаши раиси Холтожи Эргашовга падари бузруквори
**Файзулло бобо**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.




# Ришод — тенгсиз, терма жамоамиз — учинчи

**ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ БИЛАН ЎТГАН 20 ЙИЛ МОБАЙНИДА БОШҚА СОҲАЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ ҲАМ ЖАҲОН АРЕНАЛАРИДАН МУСТАҲКАМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙ БОШЛАДИ**

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI ASR»

Спортчиларимиз энг нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиб, Ўзбекистон байроғини юқори кўтариб, юртимиз довруғини оламга ёймоқдалар. Кўплаб йигит-қизларимиз яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, йилдан-йилга куч ва маҳоратларини ошириб бормоқдалар.

Дзюдо бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони, Олимпия ўйинлари совриндори Ришод Собиров куни-кеча ана шундай спортчилар тоифасидан эканлигини яна бир бор исботлади. Москвада бўлиб ўтган «Judo Grand Slam» («Катта дубулға») таснифига кирувчи халқаро турнирда олтин медалга сазовор бўлган бухоролик спортчи ўз ғалабасини мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлашини алоҳида фахр билан эълон қилди.

Мукофот жамғармаси 150 минг АҚШ долларини ташкил этган нуфузли мусобақада совринли ўринлардан ташқари, 2012 йил Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи очколар ўйналгани боис, унга дунёнинг 500 нафарга яқин энг сара дзюдочилари ташриф буюрганди.

Аҳамиятли томони шундаки, 60 кг. вазн тоифасида тенгсиз деб топилган Ришод Собиров ўз фаолиятидаги ғалабали учрашувлари сериясини 25 та беллашувга етказиб олишга эришди. 2010 йил май ойидан буён қатнашган мусобақаларда барча рақибларини мағлубиятга учратиб, Халқаро Дзюдо федерацияси (IJF) рейтингида яккапешқадамга айланган ҳамюртимиз Россия пойтахтида ўтказилган мусобақада арманистонлик Гор Хорутюнян, россиялик Роберт Мшвидобадзе, бразилиялик Фелипе Китадаи ва япониялик Хирофуми Ямамотодан устун эканини намойиш этиб, ҳал қилувчи учрашувда Европа чемпиони, франциялик Софиан Мулугага ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Москвадаги мусобақада Р.Собировдан ташқари, терма жамоамизнинг Рамзиддин Саидов ва Абдулла Тангриев сингари етакчилари ҳам совринли ўринларни банд этганларини айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, татамига 100 кг.гача бўлган вазн тоифасида чиққан Рамзиддин Томаш Домански (Польша), Леван Жоржолиани (Грузия) ва мезбон полвон Сергей Сомойловични енгиб, бронза медални қўлга киритган бўлса, 100 кг.дан ортиқ вазн тоифасидаги полвонлар ўртасидаги қизғин беллашувларда Худойберди Сахатов (Туркманистон), Александр Михайлин (Россия) ҳамда Мартин Падарнини (Эстония) енгган Абдулла учинчи ўринни эгаллади.

Шу тариқа жами учта (битта олтин ва иккита бронза) медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси 63 та қатнашчи-мамлакат спортчилари орасида умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни банд этди.

## «Бобур боғи» ичида «Сеул боғи»

Пойтахтимиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳудудида «Сеул боғи» ташкил этиладиган бўлди. Podrobno.uz сайтида хабар қилинишича, корейс халқи анъаналари, урф-одати ва қадриятларига мос равишда барпо этиладиган мазкур дам олиш маскани шу йилнинг охирига қадар фойдаланишга топширилади.

Маълумотларга кўра, Тошкент ҳокимлиги ва Сеул мэрияси ўртасида имзоланган келишувга мувовиқ барпо этиладиган янги боғ 17,5 гектар ҳудудни қамраб олган «Бобур» боғининг 4 гектарини эгаллайди.

Таъкидлаш жоиз: шунга ўхшаш лойиҳа 2001 йилда Япония компаниялари томонидан амалга ҳам оширилганди. Айни пайтда Юнусобод туманидаги «Япон боғи» пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг севимли масканларидан бирига айланган.




Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, 2-9 июнь кунлари мамлакатимизда ҳаво ўзгарувчан бўлиб, 3 ва 5 июнь кунлари айрим ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши кутилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. 3 ва 4 июнда айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шамол ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади, 3-4 июнь кунлари баъзи жойларда 15-20 м/с гача кучаяди. Ҳарорат кечаси 16-21, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, 2 ва 5 июнда ёғингарчилик кутилмайди, 3-4 июнда айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқий шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади, 3-4 июнь кунлари баъзи жойларда 15-20 м/с гача кучаяди. Ҳарорат кечаси 17-22, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. 3 ва 5 июнь кунлари айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши кутилмоқда. Шарқий шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади, 3-5 июнда баъзи жойларда 15-20 м/с гача кучаяди. Ҳарорат кечаси 15-20, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, 3 ва 5 июнь кунлари айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши кутилмоқда. Шарқий шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади, 3-5 июнда баъзи жойларда 15-20 м/с гача кучаяди. Ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқий шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади, момақалдироқ пайтида 15-20 м/с гача кучаяди. Ҳарорат кечаси 15-20, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, 3 ва 5 июнь кунлари айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши кутилмоқда. Шарқий шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади, 3-5 июнда баъзи жойларда 15-20 м/с гача кучаяди. Ҳарорат кечаси 8-13 даража илиқ, кундузи 16-21 даража иссиқ бўлади.

# Таксига пластик карточка билан чиқаверинг

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 18 МАЙДАГИ «ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА АСОСАН 2012 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН КУЧГА КИРАДИГАН «ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИЛАР УЧУН ЯГОНА ТАНИШ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМ ТАСДИҚЛАНДИ**

**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
«XXI ASR»







Унга кўра, таксилар бир қатор мажбурий ташқи ва ички маълумотлар билан жиҳозланиши қатъий белгилаб қўйилди. Масалан, автотранспорт томига сариқ рангда «TAXI» ёзувли ёритгич ўрнатилиши, олд эшикларида шахмат тартибида жойлаштирилган оқ-қора рангли композиция ҳамда «Т» ҳарфлари ва йўловчи ташиш бўйича хизмат кўрсатувчи юридик шахснинг номи тасвирланиши керак. Бундан ташқари, йўналишсиз такси сифатида фойдаланиладиган автотранспорт воситаси техник жиҳатдан соз, йўловчи ва юк ташиш қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши лозим. Такси салонига пломбаланган спидометр, давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машинаси, тўловларни банк пластик карточкаларидан қабул қилиб олиш учун ҳисоб-китоб терминали ҳам ўрнатиладиган бўлди.

Янги тартибга кўра, ҳайдовчилик гувоҳномасида «V» рухсат белгиси бўлган, 21 ёшга тўлган, тиббий кўрикдан ўтган ва камида уч йиллик ҳайдовчилик стажига эга шахсларгагина такси бошқариш учун рухсат берилади. Улар, шунингдек, автотранспорт воситасига тегишли лицензия карточкаси, йўлга чиқишдан олдин тиббий кўрикдан ўтказилгани тўғрисида белгилар қўйилган йўл варақасига ҳам эга бўлиши керак.

# Айланма йўлларга кира кўрманг!

**БОЖХОНАЧИЛАР ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ТАҲЛИЛЛАР ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 15 МАЙИГА ҚАДАР ТУРЛИ ТОВАР МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНУВИ БЎЙИЧА 12200 ДАН ОРТИҚ ҚОНУНБУЗАРЛИК ҲОЛАТЛАРИ АНИҚЛАНГАНИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ БОЖХОНА ЧЕГАРАЛАРИ ОРҚАЛИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ОЛИБ ЎТИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ 923 ТА ҲОЛАТ ҚАЙД ЭТИЛГАНИНИ КЎРСАТДИ**

Шу тариқа, жами 909 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний равишда мамлакатимизга олиб кириш ёки олиб чиқиб кетилишига чек қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси томонидан Миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуманда мазкур ҳолатларнинг аксарияти Қирғизистон (330 та) ва Қозоғистон (151 та) республикалари билан чегарадош бўлган ҳудудларда қайд этилгани, кўрилган тегишли чоралар натижасида аниқланган 825 та айланма йўллар ёпилгани маълум қилинди.

— Заминимизда етиштириладиган мева-сабзавотлар туфайли дастурхонимиз ҳамиша тўкин-сочин. Яратилаётган шарт-шароитлар эса тадбиркорларимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нафақат юртимиз бозорларида, балки хорижий мамлакатларда ҳам сотиш имкониятини бермоқда, — дейди ДБҚ раиси ўринбосари Қобилжон Шукуров. — Юртимизда бирон-бир мева-сабзавот турини, полиз маҳсулотларини мамлакатимиздан олиб чиқиш ёки аксинча, олиб кириш тақиқланмаган. Аммо қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш, улар билан биринчи навбатда ички бозорни тўлдириш ҳамда мамлакатимизнинг қайта ишлаш корхоналари эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида бу жараён тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ ҳўл мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари экспорти «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси ҳамда «Матлуботсавдо» АКнинг ҳудудий бўлинмалари, уларнинг юридик шахс мақомига эга бўлган вакиллари, қуритилган ва музлатилган мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум, шунингдек, дуккакли маҳсулотларни хорижга сотиш мулкчилик шаклидан қатъий назар фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Матбуот анжуманида шунингдек, божхона ходимлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бир кунда расмийлаштирилиши кераклиги, олиб ўтилаётган маҳсулотнинг яроқсиз аҳволга келиб қолишига сабабчи бўлган соҳа вакиллари жавобгарликка тортилишлари ҳам алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, анжуманда ДБҚ томонидан тегишли вазирликлар, қўмиталар ва банклар билан биргаликда амалга оширилаётган ягона автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилгани ҳақида ҳам маълумот берилди.




Креон

Регистрационное удостоверение в Узбекистане:Б-250-95 №29398




**Международное непатентованное название:** панкреатин.
**Лекарственная форма:** капсулы.
Ферментный препарат, улучшающий процессы пищеварения. Панкреатические ферменты, входящие в состав препарата, облегчают переваривание белков, жиров, углеводов, что приводит к их полной абсорбции в тонкой кишке.
Когда минимикросферы достигают тонкой кишки, кишечнорастворимая оболочка разрушается (при уровне pH > 5.5), происходит высвобождение ферментов с липолитической, аминолитической и протеолитической активностью, приводящей к дезинтеграции жиров, крахмала и липидов.

**Показания к применению:**
Заместительная терапия недостаточности экзокринной функции поджелудочной железы при следующих состояниях: муковисцидозе, хроническом панкреатитепанкреатэктомии, раке поджелудочной железы, протоковой обструкции вследствие новообразования (например, обструкция протоков поджелудочной железы или общего желчного протока), синдроме Швахмана-Даймонда, старческом возрасте.
Для симптоматической терапии нарушений процессов пищеварения в следующих случаях: состояния после холецистэктомии, частичная резекция желудка (Бильрот-1/П), тотальная гастрэктомия, дуодено- и гастростаз, билиарная обструкция, холестатический гепатит, цирроз печени, патология терминального отдела тонкой кишки, избыточный бактериальный рост в тонкой кишке.
*Во избежание осложнений применять только после консультации с врачом.*
Приём Креона® разрешен пациентам, исповедующим ислам и иудаизм.

**Противопоказания:**
Повышенная чувствительность к панкреатину свиного происхождения или к любому из наполнителей.

**Побочное действие:**
Аллергические реакции, редко - диарея, запор, ощущения дискомфорта в области желудка, тошнота.

**Лекарственное взаимодействие:**
Сообщения о взаимодействии препарата Креон® с другими лекарственными средствами отсутствуют.

**Способ применения и дозы:**
Дозы препарата подбирают индивидуально в зависимости от тяжести заболевания и состава диеты. Рекомендуется принимать разовую дозу (см.ниже) во время приема пищи. Во время приема пищи или легкой закуски капсулы и минимикросферы следует проглатывать целиком, не разламывая их и не разжевывая, запивая достаточным количеством воды. При затрудненном глотании (например, у маленьких детей или больных старческого возраста) капсулы осторожно вскрывают, а минимикросферы добавляют к жидкой пище (pH<5.0), не требующей прожевывания, или принимают с жидкостью (pH<5.0).
Любая смесь минимикросфер с пищей или с жидкостью не подлежит хранению и ее следует принимать сразу же после приготовления. Важно обеспечить достаточный постоянный прием жидкости пациентом, особенно, при усиленной потере жидкости. Неадекватное потребление жидкости может приводить к усилению запоров.
Муковисцидоз:
Доза зависит от массы тела и должна составлять в начале лечения 1000 липазных единиц/кг на каждый приём пищи для детей возрастом младше четырёх лет, и 500 липазных единиц/кг во время приёма пищи для детей возрастом старше четырёх лет. Дозировку следует определять в зависимости от выраженности симптомов, результатов контроля за стеатореей и поддержания хорошего состояния питания.
Дозировка при других состояниях, сопровождающихся экзокринной недостаточностью поджелудочной железы:
Дозировку следует устанавливать с учетом индивидуальных особенностей пациента, к которым относится степень недостаточности пищеварения и содержание жира в пище. Доза, которая требуется пациенту вместе с основным приемом пищи (завтраком, обедом или ужином) варьирует от 20000 до 75000 ЕД Евр. Ф. липазы, а во время приема легкой пищи - приблизительно от 5000 до 25000 ЕД Евр. Ф. липазы.
Обычная начальная дозировка препаратов с данным товарным знаком® составляет от 10000 до 25000 ЕД Евр. Ф. липазы с основным приемом пищи. Однако могут потребоваться и более высокие дозировки, для того чтобы минимизировать стеаторею и поддержать хорошее состояние питания. Согласно обычной клинической практике пациент должен получить вместе с пищей не менее 20000-50000 ЕД Евр. Ф. липазы.

**Условия отпуска из аптек:** Креон® 10000. Креон® 25000. Без рецепта.
**Производитель:** Solvay Pharmaceuticals GmbH, Germany
Товар сертифицирован.
За полной информацией о препарате обращаться в представительство Abbott Products.

Abbott
A Promise for Life

100015, г. Ташкент, ул. Ойбека, 38а.
Бизнес Центр «Авалон»
Тел.: (+998 71) 129 0550, 129 0660
Факс: (+998 71) 129 0606
Tashkent.office@solvay-pharma.uz
www.solvay-pharma.uz

КРЕОН МИНИМИКРОСФЕРЫ
ВЫСОКАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ДОСТАВКИ ФЕРМЕНТОВ ПОДЖЕЛУДОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ







Креон

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асхор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖЎРАЕВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси. «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 1922. Тираж: 15 908
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 01:30

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
О.РАЖАБОВ, С.ЗОИРОВ.